



ОРГАНИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Юсупов Мухиддин Соатович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти (DSc), и.ф.н.,
доцент. Тошкент, Ўзбекистон. msyusupov@mail.ru*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a7

Аннотация

Мақолада инсониятнинг соғлом турмуш тарзи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари ёритилган. Хусусан, жаҳон бўйлаб органик қишлоқ хўжалигини ривожланиш тенденциялари ва унга таъсир кўрсатувчи омилларга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: соғлом овқатланиш; озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги; органик қишлоқ хўжалиги; органик ва генетик модификацияланган (GMO) озиқ-овқат маҳсулотлари; агро-экоцизм; экологик, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы развития органического сельского хозяйства, что важно для здорового образа жизни человечества. В частности, уделено внимание тенденциям развития органического сельского хозяйства во всем мире и факторам, влияющим на него.

Ключевые слова: здоровое питание; безопасность пищевых продуктов; органическое сельское хозяйство; органические и генетически модифицированные (GMO) продукты питания; агроэкоцизм; экологическая, экономическая и социальная устойчивость

Abstract

The article deals with the development of organic agriculture, which is important for a healthy lifestyle of mankind. In particular, attention is paid to the trends in the development of organic agriculture around the world and the factors influencing it.

Key words: healthy eating; food safety; organic agriculture; organic and genetically modified (GMO) food; agroecosystem; environmental, economic and social sustainability

Кириш

Кейинги йилларда дунё бўйлаб инсон организми ва атроф-муҳит учун зарарсиз бўлган органик маҳсулотларга талаб ошиб бормоқда. Шу билан бирга, жаҳон бозорида маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик талабларининг тобора кучайиб бориши, республикамизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш учун қўшимча чоралар кўришни талаб этмоқда. Шулардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сонли фармони билан “Органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепцияси” ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 25 апрелдаги “Органик маҳсулотлар тўғрисида”ги ЎРҚ-766-сонли қонунини қабул қилиниши мамлакатимизда органик

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни янада кенгайтириш учун муҳим меъёрий асос сифатида хизмат қилади.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, республикамизда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг назарий-услубий асослари ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмларини чуқур тадқиқ этиш, бу борадаги илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш зарурати ортиб бормоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг назарий-услубий асослари юзасидан бир қатор халқаро ташкилотлар, миллий ва хорижлик олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO), Органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати Халқаро Федерацияси (IFOAM), Органик қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институти (FiBL), Urs Niggli, Jane Earley, Kevin Ogorzalek, Илка Гомес, Лиза Тивант, А.Ю.Егоров, А.В.Пешкова, С.А.Харитонов, В.В.Григорчук, ва бошқа тадқиқотчиларни келтириш мумкин [1; 2; 3; 4; 5; 6; 7; 8; 9; 10].

Тадқиқотларга кўра органик қишлоқ хўжалиги тушунчасига турлича илмий ёндашувлар мавжуд. Жумладан, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) таърифига кўра “Органик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни яхлит бошқарув тизимини ўз ичига олиб, агро-экологик доирасида саломатликни мустақамлаш ва биологик хилма-хилликни ривожлантиришга ёрдам беради (FAO/WHO Комиссияси “Алиментариус Кодекси”, 2007 й.). Бу тизим табиий ресурслардан (минерал ва ўсимлик маҳсулотлари) фойдаланишни рағбатлантириб, сунъий ўғитлар ва пестицидлардан фойдаланишни инкор этади” [1].

А.В.Пешкованинг фикрича “органик қишлоқ хўжалиги - бу ишлаб чиқаришнинг технологик занжири бўлиб, унда хомашёни тайёрлашдан тортиб, токи якуний маҳсулот тайёрлашгача бўлган жараёнлар экологик стандарт талабларига мос келиши жоиз” [6].

С.А.Харитоновнинг таъкидлашича “органик, яъни инсон организми учун зарарсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришга таъриф беришга кўп ёндашувлар мавжуд. У ёки бу терминни қўллаш мақсаддан келиб чиқади. Органик қишлоқ хўжалигига хос бўлган асосий хусусиятлар – бу ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг табиийлиги ва экологик жиҳатдан тозалигидир” [7].

М.Г.Колеговга кўра “Органик қишлоқ хўжалиги аграр ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш имконини берувчи усул бўлиб, у барқарор ривожланиш мақсадларининг учта талабига мос келади: иқтисодий барқарорлик; экологик барқарорлик ва ижтимоий барқарорлик” [8].

А.Ю.Егоровни фикрича “органик озиқ-овқат - бу техноген ўғитлар, пестицидлардан фойдаланилмайдиган деҳқончилик тизимининг маҳсулотидир” [5].

Юқорида келтирилганлардан маълумки, “органик қишлоқ хўжалиги” терминининг иқтисодий моҳиятини талқин этишга турлича ёндашувлар учрасада, уларнинг мазмуни асосида инсон организмига зарар келтирмайган экологик тоза ва табиий маҳсулотни ишлаб чиқариш ётади.

Тадқиқот методологияси

Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ривожлантириш соҳасида тадқиқотлар олиб борган хорижий олимларнинг илмий ишлари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий асосларини ташкил этади. Тадқиқотда абстракт ва аналитик мушоҳада, норматив ва позитив таҳлил, қиёсий ва омилли таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Мақолани тайёрлашда БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO), Органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати Халқаро Федерацияси (IFOAM), Органик қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институти (FiBL), илмий тадқиқот муассасаларининг ишланмалари ва бошқалардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда агрооziқ-овқат бозорлари уч хил йўналишда ривожланиб бормоқда (1-расм).



1-расм. Агрооziқ-овқат бозорларининг турлари

Манба: муаллиф ишланмаси

Органик оziқ-овқат органик усулда етиштирилган оziқ-овқат деган маънони англатади. Асосий афзалликлари шундаки, у хавфсизроқ, соғломроқ ва одатда кимёвий моддаларсиз, чунки пестицидлар, гербицидлар ва генетик модификацияланган организмлар (GMO) каби сунъий моддалардан фойдаланилмайди. Заҳарли элементлар бизнинг оziқ-овқатимизнинг бир қисмига айланади ва уларнинг узоқ муддатда оқибатлари ҳали ҳам тўлиқ аниқланмаган. Соғлом тупроқда етиштирилган органик маҳсулотлар кўпроқ миқдорда озуқавий моддаларни ўз ичига олади ва уларнинг кўпчилиги анъанавий усулда етиштирилган маҳсулотларга қараганда яхшироқ таъмга эга. Шундай қилиб, сўнгги йилларда бундай маҳсулотларнинг машҳурлиги ўсиб бормоқда.


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг органик ва анъанавий усуллари бир қатор хусусиятларига кўра фарқланади (2-расм).

Анъанавий усулда агрооziқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда инсон организми учун зарарли ва хавфли бўлган минерал ўғитлар, турли кимёвий препаратлар ва пестицидлар ишлатилади. Гарчи бу усул ҳозирча кенг тарқалган бўлсада, истиқболда унинг ўрнини органик усул эгаллайди.

Органик қишлоқ хўжалиги қишлоқ хўжалигининг экологик ва иқтисодий жиҳатдан барқарор шаклидир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг махсус йўналиши сифатида, органик қишлоқ хўжалиги соҳасида вужудга келадиган муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, алоҳида қонуний тартибга солишни талаб қилади. Органик қишлоқ хўжалиги - бу илмсиғимли соҳа бўлиб, биотехнологик заводлар, микробиологик лабораторияларни ташкил қилиш, доимий мониторинг ва тадқиқотларни олиб бориш зарурлигини назарда тутди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг махсус йўналиши сифатида, органик қишлоқ хўжалиги соҳасида вужудга келадиган муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, алоҳида қонуний тартибга солишни талаб қилади. Органик деҳқончилик - бу маҳаллий шароит ва ресурслардан тўлиқ самарали фойдаланишга асосланган интенсив қишлоқ хўжалиги усули. Ўз-ўзини тартибга солувчи биотизимлардан, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг табиий имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш, органик қишлоқ хўжалиги экологик, ижтимоий ва иқтисодий хавфларни минималлаштиришга қодир, шунингдек, қишлоқ аҳолисига турмуш тарзини яхшилаш,

даромадларини ошириш имкониятини беради. барқарор ва атроф-муҳит ва саломатликка ижобий таъсир кўрсатади.



2-расм. Органик ва анъанавий қишлоқ хўжалигининг фарқли хусусиятлари

Манба: муаллиф ишланмаси

Ривожланаётган мамлакатларда бошқарувнинг ушбу шакли барқарор ижтимоий-иқтисодий ва экологик ривожланиш учун жуда қулай бўлиши мумкин, чунки у арзонлиги ва юқори иқтисодий самарадорлиги билан ажралиб туради. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори жуда истиқболли ва ривожланмаган, шунинг учун у ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар учун кенг йўлларни очади. Органик қишлоқ хўжалигининг инсон организми, иқлим ва экология учун фойдали ждиҳатлари кўп (1-жадвал).

1-жадвал

Органик агроозиқ-овқат маҳсулотларининг асосий фойдали хусусиятлари ва афзалликлари

| Хусусиятлари | Мазмуни |
|---|---|
| Маҳсулотлар сифати ва хавфсизлиги | Органик маҳсулотлар юқори биологик ва озиқа қимматига эга, улар табиий бўлиб. инсон организмга зарар етказмайди |
| Таркибида зарарли кимёвий моддалар йўқлиги | Органик маҳсулотлар таркибида инсон ҳаёти учун хавфли пестицидлар, оғир металллар, гормонлар, тиббий препаратлар, микотоксинлар ва бошқ. мажуд эмас |
| Генетик модификацияланган организмлар бўлмаслиги | Органик маҳсулотлар етиштириш технологиясида генетик жиҳатдан ўзгартирилган (GMO) организм-лардан фойдаланиш мутлақо таъқиқланган |

| | |
|--|--|
| Сунъий қўшимчалар қўшилмаслиги | Органик маҳсулотлар таркибида сунъий қўшимчалар, консервантлар, эмульгаторлар, ранг берувчилар, ароматизаторлар ва сунъий таъм берувчилар бўлмайди |
| Антибиотиклар ва бошқа стимуляторлар қўшилмаслиги | Органик маҳсулотлар таркибида антибиотиклар, бўй ўсишини кучайтирувчи стимуляторлар ва бошқа тиббий-ветеринария препаратлари қўшилмайди |
| Табиий таъм ва кўринишга эгаллиги | Органик маҳсулотлар табиий мазали таъмига хушбўй ҳиди билан ажралиб туради |
| Организм учун фойда-ли витаминлар ва элементларга бойлиги | Органик маҳсулотлар организм учун фойдали элементлар, витаминлар, антриоксидантлар ва бошқа минералларга бой |
| Табиат ва атроф-муҳит билан уйғунлашган-лиги | Улар атроф-муҳит, табиат ва инсон соғлигига зарар етказмасдан, табиат билан узвий уйғунлик, биологик хилма-хилликни таъминлайди |

Манба: илмий адабиётлар асосида муаллиф ишланмаси

И.Гомес ва Л.Тивантларнинг келтиришича “Алиментариус Кодекси”нинг озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича стандартларига кўра органик қишлоқ хўжалиги тизими қўйидагиларни назарда тутди [4]:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг яхлит тизимида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш;
- тупроқнинг биологик фаоллигини ошириш;
- тупроқ унумдорлигини узоқ муддат давомида сақлаб туришга эришиш;
- тупроқ унумдорлигини тиклаш мақсадида ўсимлик ва ҳайвон чиқиндиларидан қайта (иккиламчи) фойдаланиш орқали табиий озуқа моддалрини тупроққа қайтариш;
- ишлаб чиқаришда қайта тикланадиган ресурслардан фойдаланишни ошириш;
- тупроқ, сув ва ҳавони муҳофаза қилишга кўмаклашиш ҳамда ифлосланишнинг барча кўринишларини минималлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг барча технологик босқичларида маҳсулотнинг табиий хусиятлари, минераллари ва бошқа фойдали элементларини сақлаш қорлишга эришиш.

Органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати Халқаро Федерацияси (IFOAM) органик қишлоқ хўжалиги юритишнинг қўйидаги тамойилларини эътироф этган [3]:

- **саломатлик тамойили.** Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва истеъмолга етказиб бериш жараёнларининг барча босқичларида органик қишлоқ хўжалиги экотизим, биохилма-хиллик ва инсоният соғлигини сақлашга йўналтирилган. Шу туфайли бу тизимда соғлиққа зарар етказувчи минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар, ветеринария препаратлари ва озуқа қўшимчаларини ишлатиш таъқиқланади;

- **экологик мусаффолик тамойили.** Органик қишлоқ хўжалиги жонли экологик тизим мусаффолигини сақлашга, ресурслардан қайта фойдаланиш орқали уларни тежашга, минерал ўғитлар ва заҳарли химикатлардан фойдаланишни қисқартириш ва таъқиқлаш орқали атроф-муҳит тозаллигини сақлаш ҳамда ифлосланишини олдини олишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Бу йўналишдаги ҳар қандай фаолият хўжалик жойлашган муайян ҳудуднинг ўзига хос шарт-шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олиши шарт. Ҳеч қандай ҳолатда қишлоқ хўжалиги ландшафтини, иқлимни ва умуман атроф-муҳитни тубдан ўзгартирмаслиги керак.

Шундан келиб чиқиб, органик қишлоқ хўжалиги органик (табиий) моддалардан фойдаланишга қаратилган;

▪ **адолатлилик тамойили.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш. Сақлаш ва сотиш жараёнларида иштирок этувчи барча шахслар ўзаро муносабатларни шакллантиришда адолатлилик тамойилаига риоя этишлари, технологик занжирнинг барча босқичларида ўзаро тенг ҳуқуқлилик ва манфаатлар уйғунлигини таъминлашга эътибор қаратишлари талаб этилади. Шунингдек, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсида яшовчи барча жонзотлар учун уларнинг табиий яшаш муҳитига мос келувчи қулай шарт-шароитлар яратилиши жоиз. Қишлоқ хўжалиги барча мамлакатлар учун муносиб турмуш даражасини ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаши, қашшоқликни енгиши керак. Ҳар бир инсон юқори сифатли маҳсулотларга эга бўлиши керак. Шу билан бирга ҳайвонлар физиологик эҳтиёжлари ва инстинктларини инобатга олган ҳолда муносиб яшаш шароитига эга бўлиши керак. Ниҳоят, табиий ресурсларни тақсимлаш келажак авлод манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак;

▪ **ғамхўрлик тамойили.** Органик маҳсулотлар етиштириш барча иштирокчилардан маълум масъулият ва жавобгарлик ҳиссини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси вакиллариға ғамхўрлик билан ёндашишни талаб этади. Бундай ёндашиш соғлиқни асраш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва фаровонликка элтишга асос бўлиши керак. Мавжуд экотизимни асраб-авайлаш ва уни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш барчанинг бурчи саналади.

▪ **ҳамкорлик тамойили.** Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги ва унумдорлигини ошириш одамларнинг ҳам, табиатнинг ҳам соғлиғи ва фаровонлиги ҳисобига бўлмаслиги керак. Шу нуқтаи назардан, ҳам янги, ҳам эски технологияларга бирдек танқидий қараш лозим. Технология ва иш усулларини танлашда асосий кўрсатмалар эҳтиёткорлик ва масъулиятли ёндашув ҳисобланади. Органик ишлаб чиқариш кераксиз хатарлардан ва оқибатларини тўлиқ ҳисоблаб бўлмайдиган технологияларни кенг қўллашдан қочиш керак. Бу шуни англатадики, қишлоқ хўжалигида нафақат органик ўғитлар кимёнинг ўрнини босиши керак, балки ген муҳандислик натижаларидан ҳам фойдаланиш мумкин эмас.

Органик қишлоқ хўжалиги юритиш БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2030 йилгача қабул қилинган “Барқарор ривожланиш мақсадлари”нинг қуйидаги учта жиҳатларига мос келиши зарур:

1. Экологик барқарорлик:

1.1. Органик қишлоқ хўжалиги алмашлаб экиш тизимини қўллаш, органик ўғитлардан фойдаланиш, тупроқни таббий озиқлантириш учун қатор ораларига дуккакли экинлар экиш орқали тупроқ таркибини яхшилади;

1.2. Аралаш экинлар экиш орқали тупроқ эрозияси ва зичланишини олдини олади.

1.3. Табиий чиқиндилардан (сомон, гўнг ва бошқ.) қайта фойдаланишни назарда тутди.

1.4. Зараркунандалар, касалликлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар билан курашишда табиий усуллардан (биологик кураш усуллари, табиий воситалар ва бошқа) фойдаланиш воситасида биологик хилма-хиллик ва соғлом экотизимни сақлашни рағбатлантиради.

1.5. Энергиянинг қайта тикланадиган турларидан (қуёш энергияси, биоёқилғи, дарахтлар ўтини ва бошқ.) фойдаланишни рағбатлантиради.

2. Ижтимоий барқарорлик:

2.1. Органик қишлоқ хўжалиги ҳайдаладиган ер майдонлари йўқотилишини қисқариши, сув ва ҳаво ифлосланиши, озиқ-овқат йўқотишларининг камайиши эвазига ижтимоий фаровонликка йўл очади.


2.2. Органик қишлоқ хўжалиги халқлар ва миллатларнинг анъанавий билим-кўникмалари, яшаш тарзи ва маданиятига таянади. Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган технологиялар ва усуллар маҳаллий шарт-шароитлар ҳамда атроф-муҳитнинг табиий-иқлимий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини эътиборга олган бўлиши зарур. Маҳаллий ресурслар, билим-кўникмалар ва тажрибалар, фермерлар бирдамлиги орқали қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий ривожланишига эришиш мумкин.

3. Иқтисодий барқарорлик:

3.1. Органик қишлоқ хўжалиги дунё миқёсида қишлоқ жойларда 30 %гача иш ўринларини таъминлаб бермоқда ва меҳнат сарфи бирлигига нисбатан юқори фойда кўришни таъминламоқда. Органик қишлоқ хўжалигида маҳаллий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ортади.

3.2. Органик қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик интенсив деҳқончиликка нисбатан 20 %га кам, аммо қурғоқчил ва лалми ерлардагига нисбатан 180 %га юқори

3.3. Органик қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари (уруғлик, ижара тўлови, иш ҳақи ва бошқ.) дон-дуккакли экинларда 50-60 %, сут чорвачилигида 20-25 %га ва бошқа маҳс улот турлари бўйича 10-20 %га камроқ. Бу тежамга ресурслардан қайта фойдаланиш, қиммат турадиган минерал ўғитлар ва химикатлардан фойдаланмаслик, техникани кам ишлатиш орқали эришилади [1].



3-расм. Жаҳон органик озиқ-овқат бозори товар айланмаси динамикаси, млрд. долл.

Манба: *The World of Organic Agriculture. Statistics and Emerging Trends 2021. Research Institute of Organic Agriculture FiBL. <https://www.fibl.org/fileadmin/documents/shop/1150-organic-world-2021.pdf>*

Бугунги кунда органик қишлоқ хўжалиги - жаҳон тренди ҳисобланади. Органик қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари институтининг (FiBL) маълумотларига кўра 2021 йилда 72,3 млн. гектар майдонда 3,1 млн. бирлик органик маҳсулот ишлаб чиқарувчи рўйхатга олинган. Органик қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро бозорлардаги савдо айланмаси 2018 йилда 96,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса 2021 йилда эса бу рақам 120 млрд. АҚШ доллардан ошиб кетди (3-расм).

Қишлоқ хўжалиги бизнесининг асосий муаммоси нафақат ўсиб бораётган аҳолини қандай озиқлантиришни аниқлашга ҳаракат қилиш, балки иқлим ўзгаришига мослашиш ва уни юмшатиш чораларини кўришда ҳам буни амалга оширишдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб органик маҳсулотлар етиштириш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг савдосини жадаллаштириш ҳамда экспортини йўлга қўйиш мамлакатлар фаровонлигига катта ҳисса қўшади.

Органик қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институти томонидан 2021 йилда эълон қилинган “Органик қишлоқ хўжалиги дунёси” номли статистик ва таҳлилий тўпламда келтирилишича, дунё бўйлаб 2019 йилда 187 та мамлакат бўйлаб 72,3 млн. гектар ерда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган. Органик ер майдони бўйича энг юқори кўрсаткичларни Австралия (35,7 млн. га), Аргентина (3,7 млн. га) ва Испания (2,4 млн. га) мамлакатлари қўлга киритган бўлса, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар сони бўйича Ҳиндистон (1 366 226 бирл.), Уганда (210 353 бирл.) ва Эфиопия (203 602 бирл.) мамлакатлари етакчи бўлган (2-жадвал).

2-жадвал


Органик қишлоқ хўжалиги энг юқори ривожланган мамлакатлар кўрсаткичлари, (2019 й.)

| Кўрсаткичлар | Жаҳон бўйича ўртача | Энг юқори кўрсаткичга эга (Топ) мамлакатлар |
|---|----------------------------|--|
| Органик қишлоқ хўжа-лигига эга мамлакатлар | 187 та | |
| Органик қишлоқ хўжалиги ер майдони ҳажми | 72,3 млн. га | Австралия (35,7 млн. га); Аргентина (3,7 млн. га); Испания (2,4 млн. га) |
| Жами қишлоқ хўжалиги ерларида органик майдонлар салмоғи | 1,5 % | Лихтенштейн (41,0 %); Австрия (26,1 %); Сао Томе (24,9 %) |
| Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи-лар сони | 3,1 млн. бирлик | Ҳиндистон (1 366 226 бирл.); Уганда (210 353 бирл.); Эфиопия (203 602 бирл.) |
| Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори товар айланмаси | 106,4 | АҚШ (44,7 млрд. Евро); Германия (12,0 млрд. Евро); Франция (11,3 млрд. Евро) |
| Аҳоли жон бошига органик маҳсулотлар истеъмоли | 14,0 Евро | Дания (344 Евро); Швецария (338 Евро); Люксембург (265 Евро) |

Манба: *The World of Organic Agriculture. Statistics and Emerging Trends 2021. Research Institute of Organic Agriculture FiBL. <https://www.fibl.org/fileadmin/documents/shop/1150-organic-world-2021.pdf>.*

Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг дунё бўйича товар айланмаси 2019 йилда 106,4 млрд Еврони ташкил этган бўлса, бу бўйича етакчи мамлакатлар сифатида АҚШ (44,7 млрд. Евро), Германия (12,0 млрд. Евро) ва Францияни (11,3 млрд. Евро) келтириш мумкин.

Органик қишлоқ хўжалигининг жами қишлоқ хўжалиги ерларига нисбатан салмоғи камида 10 % бўлган рейтингда Лихтенштейндан (41,0 %) сўнг Австрия (26,1 %), Сао Томе ва Принсе (24,9 %, Эстония (22,3 %), Швеция (20,4 %), Швецария (16,5 %), Чехия (15,4 %), Уругвай (15,3 %), Италия (15,2 %), Латвия (14,8 %), Самоа (14,5 %, Финляндия (13,5 %), Франция Гвианаси (11,3 %), Дания (10,9 %), Словения (10,3 %) ва Словакия (10,3 %) мамлакатлари етакчилик қилмоқда (4-расм).




4-расм. Жами қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг камида 10%ида органик маҳсулотлар етиштирувчи давлатлар, %да (2019 й.)

Манба: The World of Organic Agriculture. Statistics and Emerging Trends 2021. Research Institute of Organic Agriculture FiBL. <https://www.fibl.org/fileadmin/documents/shop/1150-organic-world-2021.pdf>.

Кейинги йилларда жаҳон бўйлаб органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ер майдонлари кенгайиб бормоқда. Хусусан, ўтган 1999-2019 йиллар давомида жаҳонда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ер майдонлари ҳажми 11,0 млн. гектардан 72,3 млн. гектаргача ёки 6,5 мартага, органик ер майдонларининг жами қишлоқ хўжалиги ерларига нисбатан салмоғи эса 0,3% дан 1,5 %гача ошган.

Энг йирик органик қишлоқ хўжалиги бозорига эга 10 та топ давлатлар сифатида АҚШ (44 721 млн. Евро), Германия (11 970 млн. Евро), Франция (11 295 млн. Евро), ХХР (8 504 млн. Евро), Италия (3 625 млн. Евро), Канада (3 480 млн. Евро), Швецария (2 912 млн. Евро), Буюк Британия (2 679 млн. Евро) Швеция (2 144 млн. Евро) ва Испанияни (2 133 млн. Евро) келтириш мумкин (5-расм).



5-расм. Энг йирик органик қишлоқ хўжалиги бозорига эга давлатлар кўрсаткичлари, млн. Евро, (2019 й.)

Манба: The World of Organic Agriculture. Statistics and Emerging Trends 2021. Research Institute of Organic Agriculture FiBL. <https://www.fibl.org/fileadmin/documents/shop/1150-organic-world-2021.pdf>.

Германия энг катта органик бозорга эга бўлса-да, аҳоли жон бошига истеъмол қилишнинг энг юқори даражасини Швейцария ва Данияда кўриш мумкин. Европа Иттифоқида аҳоли жон бошига ўртача харажат тахминан 102 еврони ташкил қилади. Европалик истеъмолчилар орасида органик озиқ-овқатларни сотиб олишнинг машҳур сабаблари орасида маҳаллий бизнесни қўллаб-қувватлаш, соғлиқ учун сабаблар ва пестицидлар ёки бошқа спрейлардан қочиш киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”да қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти қийматини 2030 йилга бориб 20 млрд АҚШ доллариغا етказиш вазифаси белгилаб берилган.

Мазкур Стратегияда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиёти (GAEP), аграр тадбиркорликка мақбул ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) ва бошқа сифат стандартлари жорий этиш ҳам кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш борасида улкан салоҳият бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалигини жорий этиш талаб даражасида эмас.

Органик қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари институти (FiBL) томонидан 2021 йилда эълон қилинган “Органик қишлоқ хўжалиги дунёси - The World of Organic Agriculture. Statistics” статистик тўпламида келтирилган маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалигини жорий этиш жуда суст даражада (3-жадвал).

3-жадвал

Органик қишлоқ хўжалиги жорий этиш бўйича жаҳон ва Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичлари, (2019 й.)

| Ҳудудлар | Органик қишлоқ хўжалиги жорий этилган ер майдони, гектар | Ҳудуднинг жаҳон органик қишлоқ ер майдонидаги улуши, % | Ҳудуднинг жами қишлоқ хўжалиги ер майдонида органик ер майдони салмоғи, % |
|------------|--|--|---|
| Жаҳон | 72 285 656 | 100 | 1,5 |
| Ўзбекистон | 932 | 0,001 | 0,004 |

Манба: The World of Organic Agriculture. Statistics and Emerging Trends 2021. Research Institute of Organic Agriculture FiBL. <https://www.fibl.org/fileadmin/documents/shop/1150-organic-world-2021.pdf>.

Юқорида келтирилган 3-жадвалдан маълумки, 2019 йилда жаҳон бўйлаб органик қишлоқ хўжалиги жорий этилган майдонлар жами қишлоқ хўжалиги ерларининг 1.5 %ига тенг бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,004 %га тенг ёки жаҳон кўрсаткичидан 375 марта паст. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон органик қишлоқ ер майдонидаги улуши эса 0,001 %га тенг бўлган.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлил натижаларидан маълумки, мамлакатимизда бу йўналишда ишлар эндигина бошланяпти ва етарлича муаммолар мавжуд. Жумладан:

- мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар ва захарли моддаларни кўп қўлланилади ва бунинг оқибатида тупроқларимиз таркиби бузилган;

- суғориладиган ер майдонларининг қарийб 45 %и у ёки бу даражада шўрланган, ер ости сизот сувлари юқори;

- органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўйиладиган сифат стандартлари, техник, санитария, гигиеник, фитосанитария, ветеринария, экологик ва бошқа талабларни ISO 9001:2000 ва ISO 22000:2005 стандартлари доирасида жорий этиш етарли эмас;

- фермерлар ва деҳқонларда органик маҳсулотлар етиштириш бўйича керакли билим ва кўникмалар, ишончли ахборотлар етишмайди;

- органик қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги анъанавий экинлар ҳосилдорлигига нисбатан анча паст даражада қолмоқда;

- органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга кўмаклашувчи консалтинг ва сервис хизматлари, инфратузилмалар етарли ривожланмаган;
 - органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича қувватлар етарли эмас;
 - органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш таннархи юқори;
 - органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг узоқ сақлаш ва ташиш имкониятлари юқори бўлган навлари, уруғликлар етишмайди;
 - аҳоли орасида органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг фойдали хусусиятлари ва зарарсизлиги тўғрисида реклама ҳамда тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилмаган;
 - органик маҳсулотлар етиштирувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш бўйича уюшмалар фаолияти йўлга қўйилмаган ва бошқалар
- Шу билан бирга бу борада имкониятларимиз ҳам мавжуд:
- республикада органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд;
 - мамлакатимизда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштиришга ҳукумат даражасида эътибор берилмоқда;
 - аҳоли орасида органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчи талаб борган сари ортиб боради;
 - республикада тоғли ва тоғ олди ҳудудларида қўшимча мевазор ва узумзор боғлар барпо этиш учун етарли ер-сув ва меҳнат ресурслари мавжуд;
 - интенсив боғлар барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш тадбирлари органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ва сифат кўрсаткичларини янада оширишга олиб келади;
 - ЖСТга аъзо бўлиб кириш органик қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро стандарт ва тажрибаларни Ўзбекистонга кенг қўллаш имкониятини беради;
 - ички бозорда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун рақобат муҳити ҳозирча кучсиз ва бошқалар.

Илмий тадқиқотлар асосида мамлакатимизда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга оширишни тавсия этамиз:

Биринчидан тегишли давлат томонидан органик қишлоқ хўжалиги юритиш учун имтиёзлар ва субсидиялар тақдим этиш кўламини кенгайтириш, давлат томонидан яратиб берилган молиявий имтиёзлар, субсидиялар ва бошқа енгилликларни фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларига телевидения, радио, газета, ижтимоий тармоқлар ва бошқа коммуникация воситалари ёрдамида етказиш орқали уларда бу йўналишга бўлган қизиқишни уйғотиши лозим.

Иккинчидан аҳоли орасида орасида соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантиришга эътибор бериш ва органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг фойдали хусусиятларини оммавий ахборот воситалари орқали истеъмолчиларга кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, органик қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш истагида бўлган фермер ва деҳқон хўжаликлари ходимларини тегишли курслар орқали ўқитиш бўйича тренинглар ташкил қилишни йўлга қўйиш ва мунтазам равишда малака ошириш тизимини йўлга қўйиш керак.

Тўртинчидан, ёш болали, касалланган ва ёши катта истеъмолчиларга ушбу маҳсулотларни харид қилишда чегирмалар бериш жоиз.

Бешинчидан, давлат томонидан органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш реестрини йўлга қўйиш, статистик тўпламларда алоҳида ҳисобни йўлга қўйиш ва Олий Мажлис йиғилишларида йилида камида бир марта Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бу борадаги ҳисоботини тинглашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши расмий сайтларида органик қишлоқ хўжалиги юритиш бўйича алоҳида платформа яратиш, бу платформада тегишли маълумотлар, фойдали тажрибалар ва бошқа маълумотларни юклаб бориш жоиз.

Еттинчидан, анъанавий қишлоқ хўжалигидан органик қишлоқ хўжалигига ўтиш бўйича узоқ муддатли давлат дастурини қабул қилиш, минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий препаратлар қўллаш кўламини босқичма-босқич қисқартириш мақсадли кўрсаткичларини қабул қилиш жоиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. FAO, 2011. Organic agriculture and climate change mitigation. A report of the Round Table on Organic Agriculture and Climate Change. December, 2011, Rome, Italy.

2. Urs Niggli, Jane Earley and Kevin Ogorzalek. Organic agriculture and environmental stability of the food supply. Research Institute of Organic Agriculture (FiBL), Switzerland. P. 32.

3. www.wwf.org;

4. И.Гомес, Л.Тивант. Учебное пособие по органическому сельскому хозяйству. Продовольственная и сельскохозяйственная организация Объединенных Наций. Будапешт-2017. С. 120.

5. А.Ю.Егоров. Формирование и развитие рынка органической агропродовольственной продукции (на примере ЦФО)//Дисс. на соиск. учен. степ. к.э.н. Москва-2014. С. 224.

6. А.В.Пешкова. Эффективность производства продукции органического сельского хозяйства//Автореферат дисс. на соиск. учен. степ. к.э.н. Москва-2013. С. 27.

7. С.А.Харитонов. Организационно-экономические аспекты развития органического сельского хозяйства в России// Автореферат дисс. на соиск. учен. степ. к.э.н. Москва-2013. С. 30.

8. М.Г.Колегов. Условия и факторы производства органической продукции растениеводства в Республики Коми// Автореферат дисс. на соиск. учен. степ. к.э.н. Сыктывкар-2014. С. 22.

9. В.В.Григорчук, Е. В.Климов. Развитие органического сельского хозяйства в мире и в Казахстане. 2016. URL: <http://www.fao.org/3/a-i5454r.pdf>.

10. Н.А.Ашурметова, Г.Т.Ҳамдамова. Органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва тамойиллари// Иқтисодиёт ва таълим / 2021 йил, 5-сон. 35-42 б.;

11. <http://www.ifoam.bio/>

12. The World of Organic Agriculture. Statistics and Emerging Trends 2021. Research Institute of Organic Agriculture FiBL. [https://www.fibl.org/fileadmin /documents/shop/1150-organic-world-2021.pdf](https://www.fibl.org/fileadmin/documents/shop/1150-organic-world-2021.pdf)